



O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ
VATAN —
BARCHAMIZNIKI!

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2010-yil • 27-may • Payshanba • 62 (31.182) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz www.uzbekistonovozi.uz

ИСЛОҲОТЛАР ИНСОН МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида 26 май куни Андижон вилоятида бўлди.

Юртимизнинг барча жойларида бўлгани каби Андижон вилоятида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Шаҳар ва қишлоқлар ободонлашиб, замонавий корхоналар, кенг ва раван йўللар, таълим ва тиббиёт муассасалари, спорт мажмуалари ва стадионлар, боғ ва хиёбонлар бунёд этилаётган.

Вилоятда жорий йилнинг биринчи чорагида ялпи ҳудудий маҳсулот ўсиши 11 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, пуллик хизмат кўрсатиш ва бошқа тармоқларда ҳам барқарор ўсиш таъминланди.

Андижон кейинги йилларда мамлакатимизнинг саноати жадал ривожланаётган вилоятларидан бирига айланди. Асакадаги автомобиль заводиди ишлаб чиқарилаётган енгил машиналар наинки мамлакатимизда, балки хорижда ҳам харидордир. Саноат корхоналарини техник ва технологик қайта жиҳозлаш, модернизация қилиш давом этаётган.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастурига мувофиқ, вилоятдаги экспорт қилувчи корхоналарнинг қўллаб-қувватланаётгани уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ҳамда экспорт салоҳиятини оширишда муҳим омил бўлмоқда. Натижанда 2010 йилнинг биринчи чорагида вилоятда экспорт ҳажми 59,6 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Президентимиз Андижон вилоятига сафарини ҳарбий қисмларнинг биридан бошлади. Юртимизимиз ҳарбийларнинг яшаш шaroити билан қизиқди. Бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш юзасидан тавсиялар берди.

Давлатимиз раҳбари Куролли Кучларимизнинг жанговар тайёргарлигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, давлат чегараларини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш ҳар доим долзарб аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Кейинги йилларда Андижон ви-

лоятда ҳам сервис ва хизмат кўрсатиш соҳаси изчил ривожланиб бораётган. Вилоятнинг шаҳар ва туманларида, қишлоқларда савдо мажмуалари, хизмат кўрсатиш шохбчалари сони тобора ортмоқда. Утган йили вилоят туманларида саккизта замонавий савдо мажмуалари ишга туширилди. Бу аҳолига катта қулайликлар яратиб, жойлардаги инфратузилма ривожига хизмат қилмоқда.

Хўжаобод туманида бунёд этилган савдо мажмуаси ўзининг кўркам киффаси, сервис ва хизмат кўрсатиш шароитининг юқорилиги билан Андижондаги энг гавжум масканлардан бирига айланди.

Замонавий талаблар асосида бунёд этилган йиғирмадан зиёд савдо дўкони, минибанк ва дорихонани ўз ичига олган мажмуада сотувчи ва харидорлар учун барча шароитлар яратилган.

Мажмуада «Ўзэлтехсаноат», «Файз холдинг», «Ўзбекенгсаноат» сингари йирик уюшма ва компанияларда ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат, саноат ва тўқимачилик маҳсулотлари сотилмоқда.

Президентимиз савдо мажмуаси фаолияти билан танишди.

— Қишлоққа саноатни олиб кириб, маҳсулот ишлаб чиқараётган тадбиркор ва фермерларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз, уларга янада кенгроқ имкониятлар яратиб беришимиз лозим, — деди Ислам Каримов. — Одамларнинг онгу шуури, дунёқарashi бутунлай ўзгарди. Бугун улар аввало сифатли маҳсулотни харид қилади. Демак, мажмуада сотилаётган ҳар бир маҳсулот, кўрсатилаётган хизмат бугунги кун талабига жавоб бериши керак.

Мамлакатимизда қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, замонавий сервис хизматини кенгайтириш, бунёдкорлик ва ободонлаштириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати



ДЕПУТАТ ВАКОЛАТИ ундан самарали фойдаланиш зарур

Кеча пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши томонидан электротар манфаатларини ҳимоя қилишда депутатлик назорати ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш масалалари мавзусида сиёсий семинар ташкил этилди.

Унда партия Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, халқ депутатлари Тошкент вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларидаги депутатлар, партия етакчилари ва фаоллари, ОАВ вакиллари иштирок этди.

Семинарда қайд этилдики, жойларда ислохотларнинг ижтимоий самарасини оширишга халққит бераётган жиддий

камчилик ва нуқсонларни аниқлаш, уларни очиб, ошқора ва амалий руҳда муҳокама қилиш, камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ чоралар қўриш ва уларнинг ижобий ечимини топиш бугун депутатлар олдида турган энг долзарб масала. Бу борада маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари зиммасига, айниқса, катта масъулият юкланади.

Мунозара жараёнида бу вазифани амалга оширишда Ўзбекистон ХДПдан сайланган барча даражадаги депутатлар ўз имконияти ва ваколатидан самарали фойдаланиши зарурлиги қайд этилди.

Семинарда билдирилган танқидий фикрлар, хулоса ва таклифлар асосида аниқ тавсиялар ишлаб чиқилди.

Асли КАМОЛ

Ташаббус ва амалий ишлар

билан ишонч
қозониш мумкин >2

Пенсия ёши

ўзгариши
мумкин >3

Интилиш имконига

эшик
очади... >4

...Ўзбекистон ишларининг интеллектуал саҳояти жуда кучли эканига ишонч ҳосил қилдим. Бу мамлакатнингизда таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар натижасидир. Тахсил олиш учун барча зарур шарт-шароитга эга, интилувчан ва изланувчан ўзбекистонлик ёшларга ҳавас қилса арзийди.

Дунё илм-фани тараққитига улкан ҳисса қўшган, Шарқ дарвозаси деб донг таратган Тошкент тасавуридан ҳам анча зиёда, гўзал экан. Шундай тинч ва обод дийрда яшобган халқингизга чин дилдан ҳавасим келди.

Рокана
СОРАКОСОМАХ хоним,
Индонезиялик олимпиа

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2010 йил 25 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, бошқона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгиледи.*

1 Австралия доллари	1306,83
1 Англия фунт стерлинги	2418,67
1 Дания кронаси	265,35
1 БАА дирхами	429,87
1 АҚШ доллари	1578,87
1 Миср фунти	279,74
1 Исландия кронаси	12,36
1 Канада доллари	1489,50
1 Хитой юани	231,27
1 Малайзия рингити	476,21
1 Польша злотийси	483,06
1 СДР	2335,28
1 Туркия лираси	1004,43
1 Швейцария франки	1369,83
1 Евро	2106,21
10 Жанубий Корея юани	13,04
10 Япония иенаси	175,08
1 Россия рубли	50,84
1 Украина гривнаси	199,21

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маъмур валюталарини ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олманган.



Ҳар бир фарзандга — меҳр ва эътибор!

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ҳуқуқий демократик жамият, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш каби улғувроқ мақсадлар йўлида изчил амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар негизда ёш авлодни ҳар томонлама баркамол шахс этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кун муносабати билан юртимизда бошланган «Ҳар бир фарзандга — меҳр, эътибор!» махсус ҳафталигида бу жиҳатлар яна бир қарра ўзининг эркин ифодасини топмоқда.

«Sen Yolg'iz Emassan» Республика жамоатчилиги болалар жамғармаси, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш ассоциацияси томонидан бир қатор вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилган ҳафталик тадбирларида юртимиздаги Меҳрибонлик ва Мурувват уйлари, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари кенг жалб этилади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳаётга жорий қилинган «Ўзбек модели»нинг муҳим қисми бўлган аҳолини кучли ижтимоий ҳимоя қилиш йўналишида олиб борилаётган эзгу ишларда болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларни ҳисмонан соғлом, юксак маънавиятли инсон-

спартакиадалар, хайрия марафонлари, ижтимоий акциялар ташкил этилиши кўзда тутилган.


Ҳафталик доирасида Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида ташкил этиладиган болалар ижодиётига оид кўргазмалар ёш авлод истеъдодини намойиш этишда алоҳида аҳамият касб этади. Маҳаллалар, турар жойлар, таълим масканларида ҳуқуқшунослар, олимлар, маънавият тарғиботчилари, ўқитувчилар иштирокида «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятига бағишлаб ўтказилган давра суҳбатлари ўқувчи-ёшларнинг ҳуқуқий билимини бойитишга хизмат қилади.

Барча маҳаллаларда боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилалар фарзандлари ҳолидан хабар олиниб, уларга байрам совғалари улашилади. Тадбир доирасида Тошкент шаҳри, Андижон, Навоий вилоятларидаги болалар шифохоналари, махсус мактаб-интернатларга тиббий мосламалар, жиҳозлардан иборат мурувват ёрдамлари кўрсатилади.

Жорий йилнинг 3 июнига қадар давом этадиган ҳафталик ёш авлод камолоти йўлида давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ғам-хўрлик ва эътиборнинг амалдаги яна бир ёқин ифодасидир.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири.

1 САВОЛГА ЖАВОБ



Иброҳим САЙДОВ,
ЎзХДП Қишқир туман
кенгаши раиси,
халқ депутатлари туман
Кенгашидаги депутатлик
гуруҳи раҳбари

«Партия ташкилоти етақчиси қандай бўлиши керак, бугун ундан нималар талаб этилмоқда?»

— Партия етакчиси аввало юксак сиёсий онг ва ҳуқуқий маданиятга эга бўлиши зарур. Чунки ижтимоий-сиёсий ҳаётни таҳлил қила олган раҳбаргина ўз фаолиятини тўғри белгилайди, электротар ишончини қозонади. Агар етакчи сиёсий жараёнларга, ён-атрофдаги воқеаларга бейфарқ қараса, партиянинг жойлардаги сиёсий мағлубиятига сабаб бўлади. Буни асло унутмаслик керак.

Шу билан бирга, етакчидан нотиклик санъати ва маҳорати ҳам талаб этилади. Шундай раҳбарлар борки, ҳатто йиғилиш ва тадбирларда, электротар олдида нутқ сўзлашга қийналади. Бу ҳолатда у ҳеч қачон ўзгаларни ортидан эргаштира олмайдди. Ўз фикрини аниқ ва тэран ифодалайдиган раҳбар бошқаларга таъсир кўрсатиши мумкин.

27 май об-ҳавоси		Ўртимизда		Хорижда	
Тошкент	— 28°С	Тошкент	— 28°С	Лондон	— 19°С
Самарқанд	— 27°С	Самарқанд	— 27°С	Париж	— 24°С
Нукус	— 25°С	Нукус	— 25°С	Москва	— 12°С
Қорғи	— 23°С	Қорғи	— 23°С	Мадрид	— 25°С
Ургуч	— 23°С	Ургуч	— 23°С	Пекин	— 16°С
Навоий	— 27°С	Навоий	— 27°С	Гонконг	— 24°С
Ферғана	— 26°С	Ферғана	— 26°С	Рим	— 20°С
Бухоро	— 27°С	Бухоро	— 27°С	Анқара	— 17°С
Андижон	— 26°С	Андижон	— 26°С	Токио	— 21°С
Наманган	— 24°С	Наманган	— 24°С	Стокгольм	— 13°С
Тарнақ	— 31°С	Тарнақ	— 31°С	Кайтапун	— 23°С
Жиззах	— 25°С	Жиззах	— 25°С	Қоҳира	— 26°С
Сирдарё	— 25°С	Сирдарё	— 25°С	Гавана	— 33°С
Тошкент вило.	— 27°С	Тошкент вило.	— 27°С	Вашингтон	— 16°С

ИСЛОҲОТЛАР ИНСОН МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 3 августда қабул қилingan «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишлар салмогини янада оширишда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

«Бундай кўркам, барча шароит ва қулайликларга эга уйларида яшашни илгари фақат орзу қилар эдик, — деди янги қондон соҳибаси Асалон Расул»

Президентимиз мажмуа номини Андижон футбол коллеж-интернати деб аташни таклиф этди.

Давлатимиз раҳбари мазкур шаҳарчада бўлиб, болалар билан суҳбатлашди.

28 май куни Андижонда «Универсиада — 2010» уйинлари бошланади.

Президентимиз «Универсиада — 2010» мусобақаларининг очилиш ва ёпилиш маросимлари бўлиб ўтайдиган «Соғлом авлод» стадионидagi тайёргарлик ишлари билан танишди.

Ўртбошимиз Андижон вилоятида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва обodonлаштириш ишларини таъкидлар экан, ҳали қилиниши зарур бўлган вазиқларга алоҳида эътибор қаратди ва тегишли топшириқлар берди.

Важҳд ЛУҚМОНОВ, ЎзА махсус мухбири

Сўз — ЎзХДП депутатларига



Абдурашид УБАЙДУЛЛОВ, ЎзХДП Наманган вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари.

Депутат давлат ҳокимияти вакиллик органида иш олиб борувчи халқ вакилидир.

Мамлакатимиз ҳаётидаги ижтимоий-сиёсий жараёнларда партияимиз аъзоларининг иштирокини таъминлаш, партиянинг дастурий мақсадларини амалга ошириш, тарғибот-ташвиқот ишларида бевосита боғлиқ.

Мана, бир неча йилдики, Ўзбекистон Халқ демократик партиясида Сийёс ва фуқаролик маърифати тизими ташкил этилиб, самарали фаолият олиб бормоқда.

Шу кунларда Қорақалпоғистон республикаси, вилоят, туман, шаҳар партия кенгашларида навбатдаги «Оқ-сак маънавиятди баркамол авлодини тарбиялашда Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг устувор вазиқлари» мавзусидаги сийёсий ўқув машғулотлари бўлиб ўтмоқда.

ТАШАББУС ВА АМАЛИЙ ИШЛАР билан ишонч қозониш, обрў топиш мумкин

Ана шунда депутатга ҳам партияди ҳам одамлар ишончи ортади. Бунга айрим ҳаётий мисолларни келтирмоқчиман.

Шунингдек, Наманган шаҳар Кенгашидаги ХДП депутатлик гуруҳи ташаббуси билан кузги-қишқи мавсумга тайёргарлик бўйича масала сийёсида муҳокама этилди.

Бирок бугун ҳаётнинг ўзи депутатдан янада фаол ва ташаббускор бўлишни талаб этапти.

Биз мамлакатимиз раҳбарининг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида билдирган танқидий фикрларидан тегишли хулоса чиқариб, асосий вазиқларимизни аниқ белгилаб олдик.

Парламент палаталарининг қўшма мажлисида таъкидланганидек, бугун электрот билан иш олиб боришнинг замонавий усуллари билан кенг фойдаланиш зарур.

Президентимиз «Парламентимиз ва маҳаллий вакиллик органлари — Кенгашлар олдиди турган иккинчи гоёт муҳим вазиқа — бу қабул қилинган қонунларнинг ижро этувчи ҳокимият, яъни ҳукумат томонидан марказда, ҳокимликлар томонидан эса жойларда қандай бажарилаётганини устидан қатъий парламент назоратини, депутатлик назоратини ўрнатишдан иборат»дир, — дея таъкидлади.

Қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, аҳоли ҳуқуқий онгини ошириш — фуқаролик жамияти қуришнинг муҳим шартидир.

«Кейинги йилларда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга оид қатор қонун ва қарорлар қабул қилинди, лекин бу қонунлар мазмун-моҳиятини ҳали қўлчилик тўла англаб етгани йўқ.

«Афсуски, сийёсий ва фуқаролик маърифати тизимидаги сийёсий ўқув машғулотларида ўқувларни ўзқозим билан ўтказиш масаласида барча минтақавий партия ташкилотларида аҳоли бирдай деб бўлмади. Бу борада ҳали қилинадиган ишлар кўп.

ЎзХДПда сийёсий ва фуқаролик маърифати ўқув машғулотлар самараси

партия фаолларининг амалий ишларида акс этмоқда

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республикаси кенгаши ўтказган семинарда кенгаш аъзолари, туман ва шаҳар кенгашлари раислари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатлари, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларидаги депутатлик гуруҳи раҳбарлари, «Қорақалпоғистон хабар» газетаси ходимлари, «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қаноти ҳамда партия фаоллари иштирок этди.

Семинарда сузга чиққанлар, баркамол авлоднинг тарбиялашда ХДП ташкилотларининг устувор вазиқлари ҳақида сўз юритишди, ёшларнинг сийёсий билимини оширишга қаратилган ўқув машғулотларини янада жонлантириш кераклигини таъкидлашди.

Жиззах вилоят кенгаши раиси ўринбосари Мўтабар Каримова. — Маҳаллий партия ташкилотларида ташкил этилаётган сийёсий семинар янада қизиқарли ва жонли ўтиши учун замон талаби асосида интерфаол усуллارнинг очик мулоқот, тренинг, давра суҳбати каби шакллрдан кенг фойдаланаялмиз.

Семинарда сузга чиққанлар, баркамол авлоднинг тарбиялашда ХДП ташкилотларининг устувор вазиқлари ҳақида сўз юритишди, ёшларнинг сийёсий билимини оширишга қаратилган ўқув машғулотларини янада жонлантириш кераклигини таъкидлашди.

«Афсуски, сийёсий ва фуқаролик маърифати тизимидаги сийёсий ўқув машғулотларида ўқувларни ўзқозим билан ўтказиш масаласида барча минтақавий партия ташкилотларида аҳоли бирдай деб бўлмади. Бу борада ҳали қилинадиган ишлар кўп.

«Афсуски, сийёсий ва фуқаролик маърифати тизимидаги сийёсий ўқув машғулотларида ўқувларни ўзқозим билан ўтказиш масаласида барча минтақавий партия ташкилотларида аҳоли бирдай деб бўлмади. Бу борада ҳали қилинадиган ишлар кўп.

Муҳорак ЯҚУБОВА, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши махсус ходими.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг «ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ — 2009» танлови давом этмоқда!


Ўзбекистонда демократик тараққиёт ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Бу йил фарзандларимизнинг ҳисмонан ва маънан соғлом, давр талабига мос интеллектуал билим ва иҳтисосга эга бўлган замонавий инсонлар бўлиб вояга етишларини таъминлашга қаратилган эзгу мақсад йўлида улкан ҳаракат бошланди.

Ижодий ишлар намуналари билан биргалликда муаллифнинг иш жойи, телефони, манзили ҳақидаги маълумотлар ва паспорт нусхаси илова қилиниши шарт.

«Йилнинг энг фаол журналисти — 2009» танлови фойдалари ва совриндорларига диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўнига бағишлан 27 июнда ўтказилган байрам тадбирида топширилди.

Ҳукуматимизнинг республика иқтисодиётини ислоҳ қилиш, хусусан, халқ ҳўжалигида бозор инфратузилмасини ривожлантириш, таркибий ўзгартиришларни амалга ошириш, истеъмол бозорини тўлдирини, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш борасида юрифтаётган сийёсатини изчил амалга ошираган ҳолда банк ўз маблағлари, шунингдек, бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан кредитлар ажратиш юзасидан қатор тадбирларни амалга оширди.



Иқтисодиёт ва ислоҳот ҚАР СОҲАГА «Агробанк»нинг Сурхондарё вилоят

Ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантиришга ёрдам қилиш учун биринчи навбатда банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан тажирот ва имтиёзли кредитлаш механизми йўлга қўйилди.

Туман филиаллари томонидан 976 та ёш оилга 1 млрд. 809 млн. сўм миқдорда микрокредитлар ажратилди.

«Агробанк»нинг Сурхондарё вилоят филиаллари томонидан «Тижорат банклари томонидан Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан шаклий ва деҳқон ҳўжалиқларига чорвачиликни ривожлантириш учун имтиёзли мақсадли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида»ги низомага асосан 2006 йилдан бугунгача Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси маблағи ҳисобидан 500 га яқин кам таъминланган оилга 1 млрд. 325 млн. сўм, банкнинг ўз маблағи ҳисобидан эса 3334 та кам таъминланган оилга 4178,0 млн. сўм миқдорда нақд пулда микрокредитлар ажратилди.

МАЛАКАЛИ ЮРИДИК ЁРДАМ

жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясига хизмат қилади

Мамлакатимиз Конституциясида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари энг олий қадрият сифатида эътироф этилган. Албатта, бу меъёрнинг ҳаётимизда тўлиқ ўз ифодасини топишда суд ҳокимиятининг ҳам алоҳида ўрни бор. Зеро, мамлакатимиз судлов тизимининг бош мақсади — жамиятимиз ҳар бир аъзосининг ҳақ-ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида суд-ҳуқуқ тизимида изчиллик билан амалга оширилаётган туб ислохотлар ўзининг юксак самараларини бераётир.

Мамлакатимиз Конституциясида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари энг олий қадрият сифатида эътироф этилган. Албатта, бу меъёрнинг ҳаётимизда тўлиқ ўз ифодасини топишда суд ҳокимиятининг ҳам алоҳида ўрни бор. Зеро, мамлакатимиз судлов тизимининг бош мақсади — жамиятимиз ҳар бир аъзосининг ҳақ-ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида суд-ҳуқуқ тизимида изчиллик билан амалга оширилаётган туб ислохотлар ўзининг юксак самараларини бераётир.

Суд-ҳуқуқ тизимида кечаётган янгиланиш жараёни ҳақида сўз борар экан, суд жараёнида тортишув тамойили, яъни прокурор билан адвокат ҳуқуқларининг тенглиги таъминлангани одил судлов сифатини яхшилашга хизмат қилаётганини алоҳида қайд этиш жоиз.

Президентимизнинг мазкур фармонида Адвокатура институти янада ислоҳ қилиниши етти асосий йўналиши аниқ белгиланиб, уларнинг икросини таъминлаш мақсадида ўтган давр давомида икита қонун, Вазирлар Маҳкамасининг ушбу масалага дахлдор учта қарори, ўнга ақин идоравий ҳужжатлар қабул қилинди.

Фармонда ҳуқуқшунослик соҳасида махсус билимга эга бўлмаган шахсларнинг суд ишларида иштирок этишига йўл қўймасликка қаратилган вакиллик институтини босқичма-босқич такомиллаштириш асосий йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Дарҳақиқат, ҳар бир фуқаро судда ўзининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари профессионал шахслар томонидан ҳимоя қилиниши истиқдид. Шунинг учун фуқаролик процессида ҳуқуқшунослик соҳасида махсус билимга эга шахслар, ҳусусан, адвокатларнинг вакил сифатида иштирок этиши муҳим ўрин тутди.

Фуқаролик ишлари бўйича тортишув тамойилининг ривожланишида тарафларга, яъни ишда иштирок этувчи шахсларга малакали юридик ёрдам кўрсатиш муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ўтган давр мобайнида бу борада туб ислохотлар амалга оширилди, адвокатурага оид қонунчилик бугунги кун талаблари даражасида такомиллаштирилди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида бу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, суд-ҳуқуқ тизимини босқичма-босқич демократлаштиришга оид кенг қўламли чора-тадбирлар амалиётга татбиқ этилаётгани, жумладан, Адвокатура институти чуқур ислоҳ қилингани алоҳида таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 1 майда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасида Адвокатура институти янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони бу борада муҳим дастурий амал бўлмоқда. Ушбу фармон фуқароларнинг тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини мустаҳкамлашга қаратилган конституциявий меъёрни амалга ошириш, адвокатура институти мустақиллигини таъминлаш, малакали кадрлар билан тўлдириш, адвокатлик касбининг нуфузини ошириш ва инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ислохотларни янги босқичга олиб чиқди.

Мамлакатимиз Конституциясида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари энг олий қадрият сифатида эътироф этилган. Албатта, бу меъёрнинг ҳаётимизда тўлиқ ўз ифодасини топишда суд ҳокимиятининг ҳам алоҳида ўрни бор. Зеро, мамлакатимиз судлов тизимининг бош мақсади — жамиятимиз ҳар бир аъзосининг ҳақ-ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида суд-ҳуқуқ тизимида изчиллик билан амалга оширилаётган туб ислохотлар ўзининг юксак самараларини бераётир.

Фуқаролик ишлари бўйича тортишув тамойилининг ривожланишида тарафларга, яъни ишда иштирок этувчи шахсларга малакали юридик ёрдам кўрсатиш муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ўтган давр мобайнида бу борада туб ислохотлар амалга оширилди, адвокатурага оид қонунчилик бугунги кун талаблари даражасида такомиллаштирилди.

Президентимизнинг мазкур фармонида Адвокатура институти янада ислоҳ қилиниши етти асосий йўналиши аниқ белгиланиб, уларнинг икросини таъминлаш мақсадида ўтган давр давомида икита қонун, Вазирлар Маҳкамасининг ушбу масалага дахлдор учта қарори, ўнга ақин идоравий ҳужжатлар қабул қилинди.

Фармонда ҳуқуқшунослик соҳасида махсус билимга эга бўлмаган шахсларнинг суд ишларида иштирок этишига йўл қўймасликка қаратилган вакиллик институтини босқичма-босқич такомиллаштириш асосий йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Дарҳақиқат, ҳар бир фуқаро судда ўзининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари профессионал шахслар томонидан ҳимоя қилиниши истиқдид. Шунинг учун фуқаролик процессида ҳуқуқшунослик соҳасида махсус билимга эга шахслар, ҳусусан, адвокатларнинг вакил сифатида иштирок этиши муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг муҳокамасига киритилган ва Сенат томонидан маъқуллаб, 2009 йил 12 сентябрдан кучга кирган «Ўзбекистон Республикасида Фуқаролик процессуал кодексининг 52-моддасига ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қонун бундай салбий ҳолатларни баргафат этди ва фуқароларнинг малакали юридик ёрдамга бўлган конституциявий ҳуқуқини тўлиқ амалга ошириш учун янги имконият яратди.

Мамлакатимиз Конституциясида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари энг олий қадрият сифатида эътироф этилган. Албатта, бу меъёрнинг ҳаётимизда тўлиқ ўз ифодасини топишда суд ҳокимиятининг ҳам алоҳида ўрни бор. Зеро, мамлакатимиз судлов тизимининг бош мақсади — жамиятимиз ҳар бир аъзосининг ҳақ-ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида суд-ҳуқуқ тизимида изчиллик билан амалга оширилаётган туб ислохотлар ўзининг юксак самараларини бераётир.

Президентимизнинг мазкур фармонида Адвокатура институти янада ислоҳ қилиниши етти асосий йўналиши аниқ белгиланиб, уларнинг икросини таъминлаш мақсадида ўтган давр давомида икита қонун, Вазирлар Маҳкамасининг ушбу масалага дахлдор учта қарори, ўнга ақин идоравий ҳужжатлар қабул қилинди.

Фармонда ҳуқуқшунослик соҳасида махсус билимга эга бўлмаган шахсларнинг суд ишларида иштирок этишига йўл қўймасликка қаратилган вакиллик институтини босқичма-босқич такомиллаштириш асосий йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Дарҳақиқат, ҳар бир фуқаро судда ўзининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари профессионал шахслар томонидан ҳимоя қилиниши истиқдид. Шунинг учун фуқаролик процессида ҳуқуқшунослик соҳасида махсус билимга эга шахслар, ҳусусан, адвокатларнинг вакил сифатида иштирок этиши муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг муҳокамасига киритилган ва Сенат томонидан маъқуллаб, 2009 йил 12 сентябрдан кучга кирган «Ўзбекистон Республикасида Фуқаролик процессуал кодексининг 52-моддасига ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қонун бундай салбий ҳолатларни баргафат этди ва фуқароларнинг малакали юридик ёрдамга бўлган конституциявий ҳуқуқини тўлиқ амалга ошириш учун янги имконият яратди.

Фуқаролик ишлари бўйича тортишув тамойилининг ривожланишида тарафларга, яъни ишда иштирок этувчи шахсларга малакали юридик ёрдам кўрсатиш муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ўтган давр мобайнида бу борада туб ислохотлар амалга оширилди, адвокатурага оид қонунчилик бугунги кун талаблари даражасида такомиллаштирилди.

Президентимизнинг мазкур фармонида Адвокатура институти янада ислоҳ қилиниши етти асосий йўналиши аниқ белгиланиб, уларнинг икросини таъминлаш мақсадида ўтган давр давомида икита қонун, Вазирлар Маҳкамасининг ушбу масалага дахлдор учта қарори, ўнга ақин идоравий ҳужжатлар қабул қилинди.



Хорижда Қонунни бузган депутатлар масаласи

Конституциявий судда кўрилади

Литва Конституциявий суди мамлакат сеймининг икки депутати — Линас Каралюс ва Александр Сахарукнинг ноқонуний хатти-ҳаракатига оидлиқ киритишга қарор қилди, деб хабар беради «Delfi.lt».

Дарвоқе, парламентнинг ўзи бу масалада Конституциявий судга мурожаат этган. Маълумки, бу икки депутат масаласи билан боғлиқ баҳс-мунозара жорий йил бошидан бери давом этиб келмоқда. Л.Каралюс парламент ишда бир неча кун сабабсиз қатнашмаган. У ўз «прогулани» бемор отасига қарагани билан хаспўшлади. Ваҳоланки, аниқланишича, у Таиланда дам олган экан. У ўзининг депутатлик карточкасини парламентда бирон-бир масала кўрилса, мен учун ҳам овоз бериш, деб Александр Сахарукка ташлаб кетган. Парламентнинг махсус комиссияси бу икки депутатни конституциявий меъёрларни бузганликда айблаган. Шунинг учун ҳам уларга нисбатан ишончасизга эълон қилиш масаласи овозга кўйилди. Бироқ 141 депутатдан 80 нафари

масалага муносабат билдирди. Парламент аъзосини депутатлик мандатидан маҳрум қилиш учун 85 депутат овоз бериши даркор. Шунинг таъкидлаш лозимки, мамлакат прокуратураси Ф. Сахарукнинг иши юзасидан жиноий иш очиниши сўраб, парламентга мурожаат этмоқчи. Негаки, депутатнинг бошқа карточка орқали овоз бериши гайриконуний равишда берилган ҳужжатдан фойдаланиш билан тенглаштирилади. Бу эса, табиийки, жиноят ҳисобланади.

Франция саноат вазири Кристиан Эстрози ҳукумат пенсия ёшини ўзгартиришни мўлжаллаётгани ҳақида баёнот берди. Ҳозир қасаба уюшмалари ва иш берувчилар федерацияси билан маслаҳатлашув олиб борилмоқда.

Пенсия ёши ўзгартирилиши мумкин

Бугунги кунда мамлакат фуқаролари олти ёшда пенсияга чиқади. Пенсия ёши қандай ўзгартирилиши ҳозирча номаълум. Бироқ ўтган ҳафта ижтимоий сўров ўтказилди. Унда кўпчилик, яъни сўровда қатнашганларнинг учдан икки қисми пенсия ёши 62 ёш қилиб белгиланишига рози эканини билдирган. Яна шунинг таъкидлаш лозимки, дейилади «The Financial Times» газетаси хабарига, Франция ҳукумати умумевропа иқтисодий дастури доирасида мамлакат пенсия тизимини «юқ-ини» энгиллатишни ва бюджетдаги камомадни қисқартиришни ҳам режалаштириб турибди. Бунинг учун эса пенсиялар ва машоғлар миқдори камайтирилиши эҳтимолдан холи эмас. Жорий йилда бюджет камомади 32 миллиард еврога ташкил этади. 2020 йилда эса бу кўрсаткич 45 миллиардга, 2050 йилда 100 миллиардга етиши мумкин. Дарвоқе, ҳукуматнинг пенсия тизимини «юқ-ини» энгиллатиш режаси ҳозирдан меҳнатқашлар норозилигига сабаб бўлмоқда. Мамлакатдаги 5 та йирик қасаба уюшмадан 4 таси бу иқтисодий ислохотни маъқул кўрмаётганини маълум қилди. Улар пенсия ёши ўзгартирилишига қарши мамлакат бўйлаб умуммиллий иш ташлаш ўтказишмоқчи.



МАДАДКОР

бошқармасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида

Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш учун бошқарма томонидан 39 та мижозга 1 млрд. 304 млн. сўм кредит маблағи берилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2008-2012 йилларда Сурхондарё вилоятини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури тўғрисидаги қарорига асосан жорий йилда амалга оширилиши режалаштирилган лойиҳалар бўйича бир қатор ишлар олиб борилмоқда.

Ушбу дастурга 20 та лойиҳа киритилган. Лойиҳа қиймати 3 миллиард 459 млн. сўм ва 4 миллион 110 минг АҚШ долларини ташкил этади. Масалан, «Сурхон Термиз Силк» корхонасига пилла ҳосил қилиш қайта ишлаш мақсадида 1 млрд. 117 млн. сўм миқдорда хориждан пилла қуриш технологияси сотиб олиш мақсадида эъзақ мuddатли кредит ажратилди. Бунинг натижасида 250 та янги иш ўрни лари ташкил этилди.

Корхона 2010 йилнинг 1 чорагида 36447 АҚШ доллари қиймати миқдорда маҳсулот экспорт қилди.

Бошқарма томонидан тузилган 12 та экспорт шартномасининг умумий суммаси 1 млн. 402 минг АҚШ долларини ташкил қилади.

Жорий йилнинг 1 чораги давомида банк мижозини бўлган «Сурхонпахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмасининг суммаси 96750 АҚШ доллари бўлган экспорт шартномаси ҳам рўйхатга олинди. Кўриниб турибдики, вилоят ишлаб чиқарувчилари тайёр маҳсулотлар экспорт қилиш ҳажминини ошириб бормоқда.

Худудларни ривожлантириш дастурларига киритилган лойиҳаларнинг молиялаштирилиши натижасида яратилган иш ўринлари ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳамми кўпайиб бормоқда.

— Биз тикувчилик ва тўқимачилик дастурлари олиб келиб ўрнатиш ниятида ўз лойиҳаларимизни «Агробанк» ходимларига тақдим этгандик, — дейди Бойсун туманидаги «Умид» корхонаси раҳбари Неймат Абдуллаев. — Банк бизга ажратган 300 миллион сўм кредит ҳисобига 31 та янги иш ўрни яратилди. Бу эса туманимиз иқтисодий ва ҳаётининг даражасида таъсир кўрсатиб, аҳолининг тикувчилик ва тўқимачилик маҳсулотларига бўлган талабини таъминлашга хизмат қилмоқда.

— Корхонамиз кўпдан буюн банкнинг Денов филиали мижозини ҳисобланади, — дейди тумандаги «Асилабону» — Файз Барака» МЧЖ раиси Сурхоб Алимардонов. — Қурилиш материалларини, ҳусусан, пишқ гилт ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга қарор қилгандик. Банк эса бизга пешвоз чиқди. 40 миллион сўм кредит олишимиз учун лойиҳа ҳужжатлари тезда тайёр бўлди. Кредит маблағи эъзазига технологик линия ва зарур асбоб-ускуналарни сотиб олдик.

— Мен банкнинг Термиз ҳудудий филиали мижозини «Гунел Сурхон» хусусий корхонаси раҳбариман, — дейди Азамат Тоғайназаров. — Қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун банкдан 35 миллион сўм кредит олгандик. Унга янги иш ўрни яратилган ҳам қувончли. Маҳсулотларимиз эса тобора хари-доргир бўлиб борапти.

Банк бошқармаси фаолияти ҳақидаги илиқ фикрларни яна кўпайиб мижозлар билдиришди. Бу ерда нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланиши қисқартириш учун ҳам муайян ишлар қилинаётир. Масалан, пластик карточкалар тарқатишга эътибор кўчайди. 2004 — 2010 йиллар давомида 78316 дон

пластик карточка мижозларга тарқатилди.

Муомалага чиқарилган пластик карталардан самарали фойдаланиш мақсадида, савдо ва хизмат кўрсатиш жойларидаги жами 751 та савдо нуқта-сига терминал ўрнатилган бўлиб, улардаги савдо айланмаси 17 млрд. 639,0 млн. сўмни ташкил этди. Буларнинг барчаси «Агробанк» Сурхондарё вилоят бошқармасининг нуфузи ошиб бораётганидан далолат беради. Негаки, мижозларнинг банкка нисбатан ишончи ортиб бораётир.

Хуллас, гайрат билан фаолият юритаётган «Агробанк» ОАТБ Сурхондарё вилоят бошқармаси жамоаси молия бозорига ўзининг муносиб ўрнини эгалламоқда.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ, Мирзахитёр МИРҲАБИБОВ, «Ўзбекистон Овози» мухбирлари

ГАЗК «ЎЗБЕКISTON ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ»

объявляет тендер № 4, 2010 года на приобретение цельнокатаных колес РУ 957 ступица 175 для грузовых вагонов в количестве 5000 штук согласно графика поставки (3-4 квартал 2010 года).

За тендерной документацией обращаться по адресу:
г.Ташкент, ул. Т.Шевченко, 7,
ГАЗК «Ўзбекистон темир йўллари»,
Управление «Темирйўленилгитамин», комната 410,
тел.: 237-94-72, 237-96-33.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази жамоаси марказ бухгалтерии С.А.Досболовага отаси Абомуслим НУРИМБЕТОВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардик билдиради.

Пойтахтимизда футбол бўйича ўтказилган XI Осиё чемпионати чорак финал учрашувлари бошланди.


Хал қилувчи баҳслар



Бразилиялик мутахассис Сержио Сапо бош мураббийлик қилаётган Ўзбекистон терма жамоаси дастлабки икки турда Ливан (3:1) ҳамда Индонезия (4:2) футболчиларини мағлубиятга учратиб, мuddатидан илгари чорак финалга йўлланма олганди. Охириги турда ҳамюртларимиз Хитой Тайпейи вакилларидан 4:1 ҳисобида устун келди ва ўз мавқеларини мустаҳкамлади. «А» гуруҳидаги иккинчи йўлланма сўнги турда индонезияликларни (4:2) доғда қолдирган Ливан футболчиларига nasib қилди.

Бугун ўтказиладиган чорак финал баҳсларида куйидаги жамоалар ўзаро баҳс юритишади: **Ўзбекистон — Австралия, Таиланд — Хитой, Япония — Киргизистон, Эрон — Ливан.** Қўрғага кўра, Ўзбекистон футболчилари чорак финалда галаба қозонса, финал йўлланмаси учун Таиланд — Хитой терма жамоалари баҳси голибга қарши майдонга тушади. Осиё чемпионати голиб ва совриндорлари номи 30 май кунги маълум бўлади. (Ўз мухбиримиз.)

ИНТИЛИШ ИМКОНГА ЭШИК ОЧАДИ...



Жиззах политехника институти талабаси Ирода Абдурахимова Словакия Республикасида ўтказилган танловда голиб чиқиб, Каменский университетида ўқишини давом эттирадиган бўлди

Ирода Жиззах туманидаги Тоқчилик қишлоғида туғилиб ўсди. Болалигидан зийраклиги, меҳнатсеварлиги, ўқиш-ўрганишга иштиёқмандлиги билан тенгқурлари орасида ажралиб турган қизалоқ мактабда яхши ўқиди, жамоат ишларида фаол қатнашди. Отаси Маъмуржон ака, онаси Маърифат опа ундаги интилиш, иштиёқ ва қобилият қирраларини барвақт илғаб олдилар. Шунга яраша иш тутиб, ундаги бу фазилатларни камол топи-

борга тушди. Дастлабки илмий маърузалари талабалар, профессор-ўқитувчилар томонидан эътироф этилди. Шу тариқа уч йил ўтди. Бу даврда унинг мақсаду интилишлари янаям қатъийлашди, келгусида илмий иш билан шуғулланишга, олим бўлишга қарор қилди. Институтни битириш арафасида эса ўзидаги билим, салоҳият ва қобилиятни яна бир бор синовдан ўтказиш истаги туғилди. 2009 йилнинг март ойида Словакия ҳукумати томонидан 2009-2010 ўқув йилида ушбу давлатнинг университетларида магистратура ва аспирантура йўналишлари бўйича ажратилган грантларни қўлга киритиш юзасидан интернет орқали ўтказилган танловда иштирок этди. Буни қарангки, қизгин баҳсу мунозаралардан сўнг нуфузли комиссия хулосасига кўра, оддий қишлоқ кизи хориж грантлари совриндори деб топилди ва Братислава шаҳридаги Каменский университетида магистратура йўналишида ўқишни да-

вом эттирадиган бўлди. Интилиш имконга эшик очади, деганлари балки шудир. Айни пайтда Ирода Абдурахимова хорижда таҳсил олаётди. Қувонарли томони шундаки, ундаги интилиш, изланиш, қобилият хорижликларни ҳам лол қолдирмоқда. Буни жаҳондаги машҳур ўқув юртинининг бири — Каменский университети раҳбарияти томонидан Ироданинг қишлоғига, унинг ота-онаси номига келган бир эмас, бир неча миннатдорчилик хатлари, ташаккурномалар ҳам тасдиқлаб турибди. Яқинда Ирода Словакиядан қадрдон қишлоғига, меҳрибон ота-онасига кўнғироқ қилиб, уларни Хотира ва қадрлаш кунини билан қизгин табриқлади. Маъмуржон аканинг айтишича, Ирода ўзининг ўқишлари, яшаш шароити, бу юртда орттирган дўсту дугоналарни ҳақида сўзлаб берибди. Қизининг узоқ-узоқлардан келатган кўнғироқдай овозини жан қулғои билан тинглаган Маърифат опанинг қалби қу-

вончдан, фахру гурурдан тўлқинланиб кетди. Маъмуржон ака эса дилбандининг соғу саломатлигини билиб, енгил тин олди. «Мен каби оддий бир шофёрнинг қизи чет элда ўқиса-я?! Айтишга осон бу. Бизнинг ёшлигимизда бу нарса етиб бўлмас хаёл, ушалмайдиган орзу эди. Бугун эса фарзандларимиз дунёни кўраётган, оламни англаётган. Аслидаям жаҳон тан олган, етти иқлимни лол қолдирган не-не буюкларнинг авлодларимиз-да. Болаларимиз, невараларимиз ўқиётган мактабларни бир кўринг. Биз ўқиган гуваладан қирилган, томи лойсувоқ, каталакдай синфхонали мактаблар билан хозиргиларининг орасида осмон билан ерча фарқ бор. Бундай ажойиб мактабларда ўқиган болаларга тан бермай кўринг-чи? Ҳеч кимдан кам эмас, кам ҳам бўлмайдиган баркамол авлод вакиллари булар», дейди ота гурур билан. **Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

Эртага Андижонда мамлакатимиз олий таълим муассасалари талабаларининг «Универсиада — 2010» спорт мусобақалари финал босқичи бошланади



Камолот ва спорт байрами

Бу талаба-ёшлар ҳаётидаги бешинчи «Универсиада» мусобақасидир. Хозирга қадар Наманган (2000 йил), Бухоро (2002), Самарқанд (2004) вилоятлари ҳамда Тошкент (2007) шаҳрида уюштирилган баҳсларда талаба-спортчилар голиблик учун куч синаяшган. Спортни янада оммалаштиришга, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, ёшларимизда ирода, мардлик ва матонат фазилатларини камол топтиришга хизмат қилиб келаётган «Универсиада» мусобақалари бугун чин маънода талабаларимизнинг катта спорт байрами макomini олган. Бу йилги мусобақанинг куйи босқич (шаҳар ва вилоят) баҳсларида мамлакатимиздаги мавжуд 62 та олий таълим муассасасининг 160 минг нафардан зиёд талаба-ёшлари фаол иштирок этишди. Спортнинг ун икки тури бўйича улар орасидан сараланган йигит-қизлар республика финал босқичида қатнашади. Узага хос «Кичик олимпиада»га қисқана таълим «Универсиада — 2010» мусобақаларини юксак савияда уюштириш учун Андижонда кенг кўламли бунёдкорлик, ободонлаштириш ҳамда кўламазорлаштириш ишлари амалга оширилди. Ёшларимиз қалбидан умрбод муҳрланиб қоладиган ушбу спорт байрамига пухта ҳозирлик қилинди. Бундай йирик тадбири тантаналарни

ўтказишда андижонликлар катта тажрибага эга. Ёдингизда бўлса, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг «Баркамол авлод — 2003» спорт ўйинлари республика финал босқичи Андижонда зўр уюшқоқлик билан ўтказилган. — «Универсиада — 2010» қатнашчиларини муносиб кутиб олиш, мусобақаларни юқори савияда ўтказиш учун шаҳримизда барча қулайликлар яратилди, — дейди Андижон вилояти футбол федерацияси ижрочи директори Илҳомжон Устаонов. — Даржақиқат, футбол бўйича вилоят терма жамоаси минтақавий баҳсларда финал босқичига бериладиган ягона йўлланма учун Наманган, Фарғона вакиллари билан куч синаяди. Унда голиблик наманганлик ёшларга nasib қилди. Бундан кўриниб турибдики, шаҳримиз спорт майдонларида ўтадиган беллашувларда энг кучли жамоалар баҳс юритади. Бу эса анги-янги номларнинг кашф этилишига ҳисса қўиши шубҳасиз. Хаяжонли дамлар бошланишига оз фурсат қолди. Андижон эса юртимиз ёшларининг шижоат ва маҳоратини кўз-кўз қиладиган катта спорт байрамига пешвоз чиқмоқда. **Аҳмадйил СОЛИЕВ, Эркин ХОЛБОБОВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари.**

Иқтидорли ёшлар камол топмоқда

Таълим тизмига берилётган юксак эътибор туфайли мамлакатимизнинг барча ҳудудларида энг замонавий кўринишдаги лицей ва коллежлар биналари қад рост-лаётган ҳамда мавжудлари қайта реконструкция қилинмоқда.



Баркамол авлод орзуси

Бундай замонавий ўқув масканлари келажакимиз ворислари бўлиши ёш авлодини камол топтиришда муҳим аҳамият касб этаёпти. Жумладан, Самарқанд қишлоқ ҳўжалиги институти қошидаги 1-академик лицейи 2005 йилда фаолиятини бошлаган. Орадан бир йил ўтиб, таълим маскани кўркам янги бинога кўчиб ўтди. Лицейда ўқувчилар тўлақонли билим олишлари учун жиҳозланган кенг ва ёруғ фан хоналари, кимё, физика, биология лабораториялари, хо-

лина Валиева учинчи ўринга лойиқ топилган бўлса, физика фани йўналишида қатнашган Бехўзд Ҳамроев ва Жавохир Шодмоновлар ҳам фахрли ўринларни эгаллашди. Шунингдек, лицей ўқувчилари жамоаси яқинда республика миқёсида ўтказилган «Хуқуқ билимдонлари» кўриктанловиди биринчи ўринни қўлга киритишди. Таълим масканида таҳсил олаётган ўқувчиларнинг буш вақтларини маъмулий ўтказиш мақсадида 10 та фан ва 9 та спорт тўғараги фаолият олиб бормоқда. Бу тўғарақларда олган билим ва кўникмаларини амалиётда кўрсатишлари учун мунтазам равишда лицейнинг ўзида турли хил фанлардан кўрик-танлов уюштирилиб, унда фахрли ўринни эгаллаган ўқувчилар лицей маъмурияти томонидан рағбатлантирилиб борилши аънаанага айланган. Ўқувчиларнинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишлари учун мини футбол, волейбол, баскетбол, теннис бўйича спорт мусобақалари ўтказиб келинмоқда. Бир сўз билан айтганда, бу ерда таҳсил олаётган ёшлар ҳар томонлама билимли, маънан етук ва баркамол инсонлар бўлиб камолга етишишлари учун барча шарт-шароитлар мавжуд. **Тоштемур ХУДОЙҚУЛОВ**

Жиноятга жазо муқаррар

Инсон қалбидаги қаноат мезони бузилиб, шукронани унутса, нафсининг йўриғига тушади, обрўсига пугур этади. Алишер Нуров минг бор шукр қиладиган табаррук қасб эгаси — шифокор эди. Саломатлик посбони бўлган бу инсон нафақат қасбига хиёнат қилди. У мўмай пул топиб, бойиб кетиш илинжида жиноятчиликнинг жирканч йўлига кириб қолди.



Қасамга хиёнат

Алишер Тошкент шаҳридаги «Отчопар» буюм бозорида «тасодифан» Нодир деган йигит билан танишиб қолди (кўпчилик жиноятчилар бир-бири билан гўёки тасодифан танишган бўлиб чиқади. Лекин «ўхшатмаса учратмас»). Улар сўхбат чоғида гиёвҳандлик воситаси савдоси ҳақида келишиб олишди. Инсон саломатлиги йўлида хизмат қиладиган, хаста ва касалманд кишига наҳот бера оладиган кишининг ўзи маънан «касал» бўлса, ёмон экан...

Кейинги учрашув жиноий ҳамкорларни янада яқинлаштирди. Бир-бирларига нисбатан ишончли бўлган жиноятчилар бир пиёла чой устида «товар» ва ундан келадиган «фойда» ҳақида келишиб олишди. Кейинги сафар «тасодифий таниши» шифокорнинг ишончасига — Бухорога сўраб келди. — Бу ерда ярим кило, ака. — Нархи қанча бўлади? — Менга 5000 та «кўк» берасиз. Қолгани ўзингизга, — деди ташқинлик йигит бирор егулик сотаётгандек бепарво. — Сотиб биланамми, йўқми?.. — Эллика-эллик «ташлайди», ака. Алишер Нуров оғуни ким орқали сотишни ре-

жалаштириб қўйган эди. Квартира сотиш билан шуғулланадиган Розик Қудратовга «ўтказиб қўйган» жойи бор. Бир неча марта миҳоз топиб берган. Балки бу гал у Алишерга «миҳоз» топар? — Айтган «товар» келди, — деди Алишер «героин» ҳақидаги илгариги сўхбатини эслаб. — Озрогини яшириб кўсиз. Одам топилса, билдирасиз. Граммини 50-60 минг сўмдан бераверинг. — Бир ҳаракат қилиб кўрайлик-чи, — деди Розик. Қолган героинни қўштиқлаганча ишончасига келган А.Нуров атрофда олазарак довларар, гўё ҳамма уни таъкиб қиладигандек бўлиб туюлар эди. «Қаерга яширсам экан? Қаерга?..» Ишонаси атрофидидаги чинқиндиҳонага пакетни яшириб келди. «Кимсан вилоят ИИБга қарашли жазони ижро этиш колониясида вақтинча бўлса-да, бош врач. Ундан ҳеч ким шубҳаланмайди, бир йўлини топади...» Тунда уйқуси қочган А.Нуровнинг миёсига келган фикрдан чеҳраси ёришди: «Тоғдим». ЖИЭК ҳудудидаги чинқиндиҳона томон бирор бориб келган А.Нуровнинг шими тасмаси

ичига яширган «заҳри қотил»ни қоровуллар пайкашмади. Колония оғборхонасидаги рентген аппарати ичига героинни жойлаштириб, эшикни қулфлаб чиқаётган жиноятчининг кўнгли тин эди... Р.Қудратов «харидор» келганини айтганда А.Нуровнинг кайфияти чоғ бўлди. Лекин кингир ишонинг ошкор бўлиши тайин. Бу сафар ҳам шундай бўлди... Судланувчилар Алишер Нуров ва Розик Қудратов кўп миқдордаги гиёвҳандлик воситаларини ўтказиш мақсадини қўлаб, гиёвҳанд воситасини қонунга хилоф равишда олиш, сақлаш, ўтказиш ва сотиш жиноятини содир қилганликда айбланди. Суд А.Нуровга 14 йил, Р.Қудратовга 13 йил озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлади. А.Нуров ва Р.Қудратовлар нимани излаган эди? Топганлари нима бўлди? Улар бой берган неъматлар ҳақида ҳам ўйлаб кўрайлик. Улар мўмай даромад деб миқсқолаб йиққан обрўсини тўқди. Элдан чиқди. Топгани шу бўлдики, энди панжара ортида, 13-14 йил қамоқда умр ўтказди. Фарзандлари, оиласининг руҳияти синди. Узагаларнинг ҳаётини бузиш ҳисобига бойийман деб ўз ҳаётини, оиласи ҳаётини бузиб ташлади. Дунё кўрган одамлар тўғри айтди: ким ҳаётдан нима изласа, шуни топади... **Шариф МУҲСИНОВ, Вобкент тумани прокурори ёрдамчиси.**

ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ

жозибали ва манфаатли «САЁҲАТ-2» ютуқли омонатини таклиф этади.

Омонат бўйича фоида даромадлари билан бирга ўтказиладиган ютуқлар тиражи натижасига кўра, Сиз кўнча Европанинг Франция ва Чехия каби мамлакатларида ҳамда юртимизнинг қадимий ва ҳаммаши навқирон Бухоро, Самарқанд ва Хиёва шаҳарларидан бирга сайёҳлик йўлланмаси, шунингдек, пул ютуқларининг соҳиби бўлишингиз мумкин.

Ютуқлар тиражи 2010 йилнинг июнь ойи иккинчи декадасида ўтказилади.

ХАМ ДАРОМАД, ХАМ САЁҲАТ!

Қўшимча маълумотларни 150-12-91 телефони ёки банкнинг www.xbgu.uz расмий сайти орқали олишингиз мумкин.

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

Хизматлар лицензияланган

BOSH MUHARRIR:	Safar OSTONOV
TAHRIR HAY'ATI:	Abdulla ORIPOV Latif G'ULOMOV Bobir ALIMOV Sharbat ABDULLAYEVA Murodulla ABDULLAYEV Ulug'bek MUSTAFOYEV Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari) G'afur HOTAMOV (Bosh muharrir o'rinbosari) Muslihidin MUHIDDINOV Andy KUSTOV Ochilboy RAMATOV Saidahmad RAHIMOV
MUASSIS:	O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI
BO'LIMLAR:	Partiya hayoti 233-10-13 Madaniyat va sport 233-69-45 Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55 Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56 Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80 Mas'ul kotib 233-72-83, 233-55-17
VILOYAT MUXBIRLARI:	Andijonda — 25-32-70 Buxoroda — 223-06-02 Gulistonda — 25-46-45 Jizzaxda — 227-48-35 Navoiyda — 223-83-73 Namanganda — 226-43-81 Nukusda — 222-77-21 Samarqandda — 35-02-55 Urganchda — 517-30-58 Farg'onada — 224-18-78 Denovda — 8-37641-23-780
MANZILIMIZ:	100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY. Navbatchi: Akbar JONUZOQOV
Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.	Sahifalovchi-ta'sturchilar: Sobirjon DUNG'ATOV, Zafar BAKIROV
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etiladi.	Korxonani manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy. Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma tabaq. Gazeta seshaaba, payshaaba va shaaba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat ta'hiriyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
G — 449	13594 nuxxada bosiladi
t — Tijorat materiallari	ISSN 2010-76.33
O'za yakuni — 01.30	Topshirilgan vaqti — 02.15
2 3 4 5	Sotuvda erkin narxda